

А Ж Р И М

ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида

Protected by PDF Anti-Copy Free

2024 йил 20 сентябрь ойининг 09 куни, жиноят ишлари бўйича Данғара туман суди, мажбурий ижро Бюроси Данғара туман бўлими биносида, очик, сайёр суд мажлисида

Раислик қилувчи М.Абдулов,

А.Сотволдиевнинг котиби, тарафлардан Данғара туман прокурори катта ёрдамчиси Э.Ғофуров, судланувчи А.А ва унинг ҳимоячиси “Нақиқат tarafdori” адвокатлар ҳайъати адвокати О.Хабибуллаев, жабрланувчи К.Р ва жабрланувчининг қонуний вакили Н.Рахимовнинг иштирокида,

А.А.А, 1993 йил 20 сентябрь куни Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, ёлланма ишчи, муқаддам судланмаган, Қўқон шаҳар, Турон кўчаси, 52-уй, 10-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги 1-1509-2401/176-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят иши ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи А.А 2024 йил 04 июль куни соат 16[^]30 ларда бошқарувидаги “Дамас” русумли, 40 Р 805 АА давлат рақам белгили автомашинасида “Найманча-Қўқон” йўналишдаги автомобиль йўлининг Данғара тумани, Арзиқтепа МФЙ, Намуна кўчасидан ўтган қисмида ҳаракатланиб кетаётган вақтида, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-бандидаги, транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурлиги, 77-бандидаги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмайдиган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги ҳақидаги қоидаларини қўпол равишда бузиб, эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан, ўз



йўналишида ундан олдинда ҳаракатланиб кетаётган велосипедчи Қ.Рахимов ва у билан бирга кетаётган вояга етмаган М.Кни уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.

Натижада, велосипедчи Қ.Рахимов ва у билан бирга кетаётган вояга етмаган М.К тан жароҳатлари олишиб, шифохонага мурожаат қилишган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2024 йил 09 июлдаги 3836-сонли хулосасида, К.Рда бош мия кўп шикасти, ўнг чакка-тепа суякларини синиши, бош мия лат ейиши, оғир даражаси, субарахноидал қон қуйилиши, чап чакка соҳасида пластинкасимон эпидурал гематомаси, ўнг кулоқда йиртилган яраси, ўнг чакка-тепа соҳалари юмшоқ тўқималарилат ейиши аниқланиб, бу тан жароҳатлари ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлари тоифасига киришлиги;

2024 йил 10 июлдаги 3847-сонли хулосасида, вояга етмаган М.Кда бош мия ёпик шикасти, бош мия чайқалиши, пешона, чап ёноқ, ўнг кўз юқори қовоқ, ўнг тирсак бўғими, кўкрак ўнг ён томон орқа юзасида, бел, ўнг ёнбош, ўнг оёқ ташқи тўпик, ўнг болдир соҳаларида шилинмалари аниқланиб, бу тан жароҳатлари соғлиқни олти кундан кўп, аммо йигирма бир кундан кам бўлган муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳатлари тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Ага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилиниб, жиноят ишини мазмунан судда кўриб чиқиш учун юборилган.

Жабрланувчи К.Р судда, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, судланувчи А.Ага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили Н.Рахимов судда, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, судланувчи А.Ага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Судланувчи А.А судда, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи ва жабрланувчининг тқонуний вакили билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.



Суд, жабрланувчи К.Р, жабрланувчининг қонуний вакили Н.Рахимов ҳамда судланувчи А.Анинг ярашув тўғрисидаги аризаларини, жиноят иши хужжатлари билан урганиб, Данғара туман прокурори катта ёрдамчиси Э.Ғофуров ҳамда О.Ҳабибуллаевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи А.Анинг айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказиш шароитларни тўлиқ қоплагани, жабрланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи, жабрланувчи ҳамда жабрланувчининг қонуний вакили хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, А.Ага нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни;

Жабрланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишлари тушунтирилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586 моддаларга амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Судланувчи А.А.А Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

А.Ага нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилсин.

А.Ага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: имзо М.Абдубаннабов

Нусхаси аслига тўғри: М.Абдубаннабов

